



# Наврӯзи олам барчамизга муборак бўлсин!



Shu aziz VATAN — barchamizniki!



# ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

• 2013-yil, 20-mart. Chorshanba • 34-35 (31.625)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

• 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

• www.uzbekistonovozi.uz

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАВРӽУЗ БАЙРАМИГА БАГИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар! Муҳтарам меҳмонлар!

Шу кунларда каттао кичик барча юртдошларимиз бағрими кенг очиб, баҳор, яшиари ва янгиланиш разми бўлмиш Наврӯз айёмини «Хуш келибсан ўлкамизга, Наврӯзи олам!» деб, шоду хурматли билан кутиб олмоқда.

Шу мунаввар тонгда сиз азизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни Наврӯз айёми билан чин қалбимдан табриклиб, барчангизга ўзиминг хурмат-эҳтиромим ва самимий тилакларимни изҳор этишдан баҳтиёрман.

Қадрли юртдошлар!

«Нима учун биз Наврӯзни доимо соғиниб, интизорлик билан кутамиз? Нима учун бу сана барчамиз учун энг севимли, энг ардқолдиган байрамимизга айланниб қолган?», деган савол берилиши табиидир.

Бунинг сабаби, Наврӯзи олам биз учун энг қадимий, асл миллий, турли мағфура ва сиёсатлардан холи, урф-одатларимизга ва қадриятларимизга жавоб берадиган байрам, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Нега дегандага, Наврӯз ўз руҳи ва гоялари билан ҳар қайси иносон она заминнинг, табиатнинг ахралас узвий қисми эканини, табиатнинг нақадар гўзал эканини ҳис қилиб, уни эъзолаз, ҳамнафас бўлиб яшашга ундаши билан бизга қадрлидир.

Ҳар қандай гараз, гиналар ва низодардан воз кечиб, тинч ва осойишта ҳайётнинг қадрига этиш, ахиллик ва бирдамлик, элатлар орасида ўзаро хурмат ва ҳамжихатлик нақадар беъбад бойлик эканини улуглаши, ўзининг давлатлари билан Наврӯз байрами халқимизнинг қарашларига фоят ҳамоҳандир.

Айни ана шундай чукур мазмун ва маънога эга бўлгани туфайли, хосият ва файз, кут-барака ва муруват каби хусусиятларни ўзида мужассам этиши билан кун ва тун тенг келадиган шарқона. Янги йилимизни — бу гўзал баҳор айёмини барчамиз орзикб кутамиз, эъзолазимиз, ҳурсандчилик билан умуммиллий байрам сифатида ўтказмиз.

Бунинг яққол тасдиғини шу кунларда юртдошларимизнинг тобора очилиб кетаётган табиатдан баҳра олиб, сумалак ва ҳалим, гўжа ва кўксомса каби баҳорий неъматлар тортилган дастурхонлар атрофида, яшил майдон ва кўка-

ламзорларда ўтказилаётган сайил-томошаларда, миллий кураш ва улок чопиши мусобакаларида кўриш ва кузатиш қийин эмас.

Айни шу бетакор фаслда одамларимиз халқимизга мансуб бўлган, унинг одатига айланниб кетган қадриятлар — бир-бирiga меҳр-оқибат кўрсатиш, беморлар, кўнгли ярим инсонларга беминнат ёрдам бериш, табаррүк кексаларимизнинг дуосини олиш каби эзгу фазилатларни яққол намоён этиб, ўз кувончи ва шодлигини яқинлари, дусту ёрлари, кўни-кўшинилари билан баҳам кўриша интилади.

Она Ватанимизда яшайдиган, миллиати, тили ва динидан қатъи назар, баражарча юртдошларимиз ани шундай ҳурсандчилик кайфигита берилиб, Наврӯзни ўз қадрдан байрамидек қабул килиади.

Мана шундай кувончили дамларда буғун халқимизга катта хурмат ва эҳтиром билдириб, шу гўзал майдонда Наврӯз шодиёнаримизда иштирок этаётган чет мамлакатларининг мухтарам элчилари ва халқаро ташкилотлар вакилларини, ҳорижий шерик шамкорларимизни, баражарча азиз меҳмонларимизни сизларнинг номинингиздан, бутун халқимиз номидан кутлаб, уларга миннатдорлик билдиришига руҳсат бергайсиз.

Азиз дўстларим, қадрданларим!

Шу ёруғ лаҳзаларда мана шундай муҳташам ва файзли майдонда ҳамулёт бўлган сиз азизларга, сизларнинг сиймонингизда баражарча табаррүк кексаларимиз, мунис опа-сингилларимизга, кўзлари ённи турган, халқимизнинг таяничи ва сунячи бўлмиш навқирон ўшларимизга — менинг фарзандларимига ўзиминг чукур меҳрим, севги ва хурматимни изҳор этаман.

Барчангизни бағримга босиб, яна ва яна бир бор бугунги дилбар айём билан кутлаб, юрагимда, калбимда бўлган савимий тилакларимни билдираман.

«Обод турмуш» деб ном олган йилимизнинг Наврӯзи ҳаммамизга, баражарча хонадонларга, оиласларга тинчлик-омонлик, баҳту соадат, файзу барака келтирисин!

Орзу-нитяларимиз ушалсан, Ўзбекистонимиз янада обод ва фаровон бўлсин!

Наврӯзи олам барчамизга муборак бўлсин!



## ХУШ КЕЛИБСАН ЎЛКАМИЗГА, НАВРӽУЗИ ОЛАМ!

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида  
Наврӯз байрами тантаналари бўлиб ўтди

**...19 марта. Осмон кўзни қамаштиргудек тиниқ. Ҳово мусаффо. Уфқлар ортидан кўтарилаётган қўёшнинг нурлари баҳорга интиқ озод юртнинг обод кўча-гузарлари, ўзбекона ҳовлиларига, бутун қалбларимизга мунавварлар, ўзгача сурур баҳш этмоқда. Кўчаларда катталардан олдин байрамона ясанган баҳтиёр болалар кўринади. Тинч, осуда бошланыётган тантаналар аввало болажонларимизники!**

Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номли Ўзбекистон Миллий боғи тантанавор кўринишда безатилган. Байрам тантаналарига олий ўқув юртлари-

нинг истеъоддли талабалари, жамоатчилик вакиллари, меҳнат фахрийлари, мамлакатимизда фаолият кўсцатиётган ҳорижий давлат элчинонлари ва халқ-

аро ташкилотлар вакиллари ташриф буюришган.

Соат 10.30. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кириб келаётган халқимизга миннатдорлик изҳор килинди.

Тантана иштирокчилари Юрбошимизни гулдурос қарслар билан кутиб олади. Сўз Президент Ислом Каримовга берилади.

Мамлакатимиз раҳбари халқимизни Наврӯз байрами билан муборакбод этади.

Президентимиз табригига, жумладан, халқимизнинг қадимий эзгу фазилатлари алоҳида эътироф этилди. Шунингдек,

Наврӯз руҳи, Наврӯз фалсафаси билан ҳамоҳанг бўлган ўлмас шарқона қадриятларни неча-неча асрлар давомиди безавол асраб-авайлаб, саклаб келаётган халқимизга миннатдорлик изҳор килинди.

Муаззам майдон узра карнайсурнай ва ногора садодлари тараради. Табиатнинг ўйгониши ва Янги кунни тароннум этувчи оҳанглар жаранди, бутун оламга, замину фалакка Наврӯз кириб келаётгани ҳакида жар солаётгандек, гўё. Хуш келдинг, баҳор, қадаминг кутлуг бўлсин, Наврӯз!

(Давоми 2-бетда.)

## МЕҲР-ОҚИБАТ, ЖАЙР-САХОВАТ АЙЁМИ



Наврӯз ҳаёт гўзаллиги, абадийлиги, одамларнинг эзгу фазилатларини акс эттирадиган миллий байрамимиз, яшиари ва янгиланиш айёми. Шу боис ҳар биримиз Наврӯзи олам хонадонларимизга, юртимиз кўт-барака, фаровонлик ва тўкин-сочинлик, баҳт-саодат олиб келсин, дея ният қиласми.

Ана шу шукухли кезларда инсон табиат билан янада яқин бўлишга, оиласи, дўстларни ҳамда ён-атрофдагиларга ҳар қачонгидан кўпроқ меҳр ва эҳтиром, муруват кўрсатишга интилади. Кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга мухтоҷлар кўллаб-кувватланиб, ёлғиз кексалар, жисмоний имконияти чекланган кишилар холидан хаబар олинади.

Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисида мавзусасида тавқидланганидек, ўтган йили давлат ҳами ҳаражатларининг асосий қисми, яни кариб 59.2 фоизи ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимояни килиш чорада тадбирларини амалга оширишга каратилди. Бу ишлар жорий йилда ҳам изчили давом эттироф мөнади.

(Давоми 4-бетда.)

## Ижтимоий ҳимоя



## МЕҲРИБОНЛИК УЙИДА ЯРМАКА

Пойтахтимиздаги 22-Меҳрибонлик уйидага Наврӯз байрамига багишланган жайрия ярмаркаси бўлиб ўтди. Ярмаркада сотувга қўйилган барча сувенир ва қандолатчилик маҳсулотлари мазкур Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари томонидан тайёрланган.

→ 4



# ХУШ КЕЛИБСАН ЎЛКАМИЗГА, НАВРЎЗИ ОЛАМ!

**Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида  
Наврўз байрами тантаналари бўлиб ўтди**

**ОБОДЛИК КЎНГИЛДАН  
БОШЛАНДИ**

Озод юрга, обод юрга Наврўзи олам кириб келди. Қалбларни қувончга тўлдириб, юрраклардан эзгулик тошиб, меҳр-оқибат тўйгулари гул очиб, Ўзбекистонимизга Наврўз келди.

Ҳакикатан ҳам биз ҳаётимизни баҳорсиз, Наврўзин сасаввур қўлломаймиз. Ҳалқимиз ҳар йили Наврўз мўъжизаси билан ёзма-юз келиб, ундан руҳий қувват олади. Наврўз янги-янги интишилар, излашишлар, ижодий парвозларга қанот бўлади. Нафакат табиат, балки ўзимиз ҳам янгиланмиз бу фасадла. Бир сўз бўлан дайтанди, Наврўз — янгиланиш, яшиш, куриш ва яратиш каби буюк мақсадларнинг ҳалқимизга хос бўлган қадрияларнинг бошланиши хисобланади.

Наврўз кириб келди. Бошка байрамлар, фаслларга ўхшамсадан, қалбларни суруга тўлдириб, бутун оламга Наврўз ташвири бўклид. Дастибди она табиатни, дов-даражатларни эмас, инсон қалбини, ундағи хис-тўйларнинг нозик торими наазот билан чеरтиб, янги кун, янги бахт, янги имкониятлар, янги режалар кириб келди.

Янги иш ўринлари ташкил этиш ва мамлакатимиз аҳолиси бандларини таъминланади. Ўзбекистонда ўтган 10 йил давомида Болалар спортини ривоҷлантириши жамгармаси масалалари хисобидан 1113 та болалар спорти обьекти, жумладан, 252 та янги спорт комплекси, 861 та спорт зали барроғ этилган, булашнинг 84 физи кишлек, жойларда курилганини таъкидлаш лозим.

Бундан ташкири, фолиоят кўрсатадиган 262 та спорт иншоти реконструкция қилинди ва капитал таъминланади. Бу мақсадлар учун 570 миллиард сўмдан ортиқ, маблагъ йўналтирилди. Биргира ўтган йилда 92 та болалар спорти обьекти ва 16 та сузин ҳаваси курортлашадиган таъминланади.

Олий Мажлис томонидан маъкулланган дастурда 2013 йилда 970 мингдан ортиқ янги шўрни ташкил этиш кўзда тутилган. Мухим ихтиомий аҳамиятга эга бўлган мазкур масалалар ҳал этишина кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, хизмат кўрсатиши ва сервис соҳасини жадал ривоҷлантиришга алоҳиди этилди.

Юртимизда буғунги кунда 1 миллион 800 минг нафардан ортиқ бола 30 дан зиёд спорт тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Бу рақам, 2003 йилга нисбатан олганда, 1,4 баробар кўпиди.



Йиля олиб борилаётган ишларни бугун бутун жаҳонга ётироф этилди.

Ўзбекистонда ўтган 10 йил давомида Болалар спортини ривоҷлантириши жамгармаси масалалари хисобидан 1113 та болалар спорти обьекти, жумладан, 252 та янги спорт комплекси, 861 та спорт зали барроғ этилган, булашнинг 84 физи кишлек, жойларда курилганини таъкидлаш лозим.

**Барҳом ХОЛДОРОВ,  
«Мехр-шафқат ва саломатлик» жамоати фонди Тошкент вилоят бўйими раҳбари:**

— Наврўз байрами арафасида «Ўзбекистон» меҳмонхонасида Тошкент вилоят хомония билан ҳамкорликда тадбир ташкил этилди. Унда вилюятимизда истиқомат килувчи иккى юзга якин кам таъминланган, жисмоний имкониятни чекланган, бокӯчувчини ўқотган, энг муҳим музтоҳ кишилар тақлиф этилди, уларга байрам дастурхони улгайтиради.

Кўчутаётган. Ота-үгил-набира. Бирни ер қазиси, бирни хонлини тутади кўлларида, бошқаси суну куяди. Автолардаги ҳамхижатлиги — Наврўз. Эртаги кун учун бирга ташланган барабар қадам — Наврўз.

Эртасини ўйлаган, эртасидан умиди бор одам ерга уруғ қадайди. Нихол экади. Боламнинг боласини оғзи шу мева-ларга тегсан, деган инсон яхши ният билан бор яратади.

Кексаларимиз дуога кўл очади: Илоҳон, шодликларимиз бардавом, юртимиз тинч, ҳалқимиз фаровон, Ватанимиз обод бўйсун. Фарзандларимиз ёқув, мард, жасур бўйб үлгайтиради. Юрт бошида турганлар сог-саломат, ўғли-қизларимизниң бахти, иқболи кулсан.

Киб олганлар, Наврўзга эсон-омон етганлар қалбida мухаббат намоён бўлади.

Бободеҳон ўз кадрдан далисига отланади. Ҳаёт, яшаш харакатлари бошланади. Ўзбек кадим-қадимдан бўён, пешона тери ёвзига ундириган ҳалол ризқ билан болаларини улгайтиради.

Кўчутаётган. Ота-үгил-набира. Бирни ер қазиси, бирни хонлини тутади кўлларида, бошқаси суну куяди. Автолардаги ҳамхижатлиги — Наврўз. Эртаги кун учун бирга ташланган барабар қадам — Наврўз.

Эртасини ўйлаган, эртасидан умиди бор одам ерга уруғ қадайди. Нихол экади. Боламнинг боласини оғзи шу мева-ларга тегсан, деган инсон яхши ният билан бор яратади.

Кексаларимиз дуога кўл очади: Илоҳон, шодликларимиз бардавом, юртимиз тинч, ҳалқимиз фаровон, Ватанимиз обод бўйсун. Фарзандларимиз ёқув, мард, жасур бўйб үлгайтиради. Юрт бошида турганлар сог-саломат, ўғли-қизларимизниң бахти, иқболи кулсан.

**«БУ БАЙРАМ БИЗНИКИ»**

**Аброр ҚОДИРОВ,  
Жакарта давлат универси-  
тети талабаси:**

— Бир неча хафта илгари, дарсда ўқитувчilarimizдан бирни Индонезияning турли оролларида ўтказиладиган байрамлар ҳақида сўзлаб берди-да, бизга «Сизнинг давлатингизда қандай байрамлар ўтказилади?», дега савол берди. Гуруҳимизда дунёнинг турли бурчакларидан келган талабалар бор. Навбат туркманстонлик курсодушимга келганида у «Бизда Наврўз байрами бор, у бутун мамлакатимиз бўйлаб кенг нишонланади», деди. Бу мен бермокчи буғлан жавоб эди. Навбат келганида мен ham Наврўз ҳақида гапидим. Шунда ўқитувчimiz: «Шундай қилиб, Наврўз сизлариними (менга қараб) ёки сизларини (туркманистонлик курсодушимга юзланиб)», дег сўраганди, иккимиз ҳам бир вақтда «бизнини» деб жавоб бердик ва бир-бirimizga қараб кулиб юбордик. Кейин устозга бу байрамнинг келиб чиқши ва уни дунё ҳалқларининг катта кисми байрам сифатидаги нишонланятиши.

Дарҳақиқат, махалла яхши ўтказиладиган таъминланади.







**«ЎЗҚИШЛОҚХЎЖАЛИКМАШЛИЗИНГ»**  
акциядорлик лизинг компанияси жамоаси

**халқимизни баҳор ва гўзаллик  
байрами — Наврӯзи олам билан  
табриклайди.**



Ҳаётнинг янгилиниш ва яшариш фасли  
бўлган кўхна ва навқирон Наврӯз  
юртимизга тинчлик, халқимизга баҳт-  
саодат, ҳар бир оиласга шодигу қувонч,  
фаровонлик олиб келишини Яратгандан  
тилаб қоламиш.



## «БОГОТДОН»

очик акциядорлик жамияти  
халқимизни Наврӯз байрами  
билин кўтлади.



Юртимиҳ тинъ,

кўнглимиҳ обод бўлсин.

Хирмонлар донга,

тандирлар нонга

тўлсин!



Наврӯзи олам, яшариш ва  
янгилиниш айёми  
барчамизга муборак бўлсин!



Реклама

## ЧОРТОҚ ТИББИЁТ КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ

Таълим ва тиббиёт тизими  
ходимларини ҳамда бағрани баҳор ва  
янгилиниш, яшариш ва янгилиниш байрами  
— Наврӯз билан табриклайди!

Саломатлик ва  
гўзаллик сизни ҳеъ  
каён парёк этмасин!  
Ўтмиши булоқ,  
келағали порфоқ  
мамлакатимиҳда  
ҳар бир инсон  
баҳтили-саодатли умр  
кеичсинг!



## Наманған саноат қасб-ҳунар коллеҷи жамоаси

Ўрта маҳсус қасб-ҳунар таълими тизими  
ходимларини, ўқитувчилар ва мураббиўларни  
ҳамда бутун халқимизни катта  
шодиёна билан нишонланадиган  
Наврӯз — умумхалқ байрами  
билин табриклайди.



Кўклимой қалбларимизга қувонъ олиб келсин! Килаётган ҳалол меҳнати,  
унтб-дисб, тобора енилмас кур бўлиб ҳаётга қифиб келаётган  
фағандолари роҳатини қўшиш бағранага насиб этсан!



## «АГРОБАНК» ОАТБ

ФАРГОНА ВИЛОЯТ БОШКАРМАСИ  
ЖАМОАСИ



юртдоштаримизни, жўмладан,  
ўз мижозларини Наврӯзи олам  
билин муборакбод этади.

Баҳор байрами юртимиҳга  
тинълик-хотиржамлик, хонадонларимизга  
тўқин-соғинлик олиб келсин!





## Қарши давлат университети

жамоаси — профессор-үқитувчилари,  
тапаба-ёшлари мамлакатимиз аҳолисини  
янгилиниш ва эзгулик, нафосат ва иҷазатлик  
байрами — Наврӯзи олам билан  
кутлаяди!



## Реклама

Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги  
Ўзбекистон Болалар спортини  
ривожлантириш жамғармаси  
Сирдарё вилоят филиали жамоаси  
**халқимизни Наврӯзи олам  
билин табриқлаиди.**



Халқаро маёнданда  
Ватанимиз байғоюни  
сағбаланд этаётган  
истегдодлы ёштаримизга  
юксак ғалабалар ҳамиша  
ёғ бўлсин!



# «TINCHLIK-GLOBAL»

## очиқ акциядорлик жамияти

халқимизни Наврӯз байрами билан қизин  
табриқлаяди.

Хурматли ва азиз юртдошлар!

2013 йил — Обод турмуш йилида

Улуғбек шаҳарласини фағон масканга  
айлантириши азму-қарор қилинмиш.

Ўз мақсадларимизга эфишишимизда  
буюк ажодларимизнинг  
брұхлары бағыамизга мададкор бўлсин!

Директорлар кенгаши.

Гуваҳнома №0000205 ИНН 201758309

Мурожаат учун манзил: 100214. Тошкент, Мирзо  
Улугбек тумани, Улугбек шаҳарчаси, Робияхоним  
кўчаси, 7-йи, Тел: +998 90 9591357

Электрон хатлар учун: almanah.dsv@gmail.com

Газетанинг навбатдаги сони  
26 марта, сеансба куни чиқади.

MUASSIS:



Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHIRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV	Murodulla ABDULLAYEV	Muslihiddin
Latif G'ULOMOV	Ulug'bek MUSTAFOYEV	MUHIDDINOV
Sharbat	Tat'yana KISTANOVA	Ochilboy RAMATOV
ABDULLAYEVA	(Bosh muharrir o'rbinbosari)	Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR:

Parlement faoliyati — 233-10-13; Pariya hayot — 233-11-49;  
Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;  
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;  
Jamoatkhilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;  
Sport va vatandarvarlik — 233-44-55;  
Reklama va e'lolar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent,  
Matbuotchilar  
ko'chasi, 32-uy.  
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.  
Ko'konha manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

O'ZBEKİSTON  
XALQ DEMOKRATİK  
PARTİYASI  
MARKAZIY KENGASHI

Gazeta seshanba, payshanba va shanba  
kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini  
ko'chirib bosish faqat tahririyat  
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 346  
20311  
nuxsada  
bosildi.

Nashr ko'satichi — 220  
t — Tijorat materiallari

O'ZA yakuni — 21.10  
Topshirilgan vaqt — 00.00

Surʼuda erkin narxda

Navbatchi:  
Erkin XOLBOYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:  
Sobirjon TUNG'ATOV,  
Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633



1 2 3 4 5